

**ЎҚУВ МУҲАНДИСЛИК-ЛОЙИҲАЛАШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИК АЛГОРИТМИ**

O.A.Khushnaev

Тошкент давлат техника университети, катта ўқитувчи

o.xushnayev@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7558688>

Аннотация. Мақолада ўқув муҳандислик-лойиҳалашини ташкил этишининг инновацион технологияси ҳамда замонавий муҳандис-ўқитувчининг ижодий лойиҳалаши фаолиятини шакллантириши шароитида ўқув-муҳандислик лойиҳалашининг замонавий муаммолари ва уни тақомиллаштириши йўллари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: тадқиқот, қасбий компетенция, интеграция, лойиҳалаш, технологик, ижодий қобилият, моделлаштириши, структура, эксперимент, инновацион, эксперт, экспертиза, концепция, комплекс, интеллектуал, консилиум, алгоритм, аксиологик, метод, иерархия.

Жаҳон амалиётига техник лойиҳаларнинг ижтимоий-гуманитар экспертизасини кетма-кет жорий этиш, муҳандис кадрларни тӯғри тайёрлаш зарурлиги ҳақидаги хulosа – техник мутахассиснинг кундалик амалиётига ахлоқий норма ва қоидаларни киритишига олиб келади. Фарбий Европа ва АҚШда кўп йиллар давомида муҳандислик этикасини ишлаб чиқувчи ва унинг бажарилишини назорат қилувчи муҳандис ва техник мутахассислар уюшмалари мавжуд [1]. Бизнинг муҳандислик таълимга, шунингдек, ўзининг шахсий ахлоқий позицияси билан, ижтимоий-гуманитар фанлар имкониятларидан фойдаланиб, кенг кўламли муҳандислик тафаккурини шакллантиришда, мураккаб қарорлар қабул қилиш технологиялари (шу жумладан, эксперт ёндашуви методи) ва инсониятнинг омон қолиш стратегиясини яхши биладиган лойиҳалаш ечимларини хавфсиз жорий этиш учун, муҳандис-ўқитувчининг жавобгарлиги муаммолари билан боғлиқ муҳандислик – этика масалаларини киритиш керак [2].

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги билимларидан ва шахсий тажрибасидан фойдаланган ҳолда, лойиҳаловчи мақсадга эришишнинг таклиф қилинган усулини амалга ошириш қандай ижтимоий ва гуманитар оқибатларга олиб келиши ҳақида гипотезани шакллантиради. Шу асосда у ўрганилиши керак бўлган альтернативалар рўйхатини тузади.

Бунинг учун у ўзининг лойиҳа маслаҳатчиси билан келишган ҳолда эксперталар гурухини тузади. Ҳар бир экспертга альтернативалардан бирини пухта ўрганиш ва илмий асосланган хulosа бериш топширилади. Эксперталар гурухи худди шундай талаба-loyiҳalovchilarдан тузилади. Уларнинг ҳар бири ўз шерик-loyiҳalovchilarinинг қандайдир муамmosи бўйича эксперт вазифасини бажариши мумкин.


Таклиф қилинаётган лойиҳалаш ечими эксперталар кенгаши томонидан муҳокама қилинади. Ўқитувчи модератор вазифасини бажаради, чунки у бунинг учун етарли билим ва тажрибага эга [3].

Муҳандислик-конструктив ечимларни комплекс экспертизасини ўз ичига олган таклиф қилинаётган технологиядан фойдаланган ҳолда ўқув-муҳандислик лойиҳалашини ўтказиш алгоритми 1-расмда келтирилган.

Умуман олганда, ўқув технологияси сифатида муҳандислик - лойиҳалаш ечимлари экспертизаси қуидаги тамоилларга асосланиши керак:

– янги техник ечимни жорий этиш натижалари ва лойиҳанинг индивидуаллигини муҳокама қилишнинг жамоавийлиги, лойиҳа маслаҳатчиси ўқитувчи (ёки муаллиф) мунозара жараёнининг модератори вазифасини бажаради. Унинг вазифаси, унинг фикрича, барча мутахассис (эксперт)ларни муҳокамага жалб қилишдир. Шу билан бирга, муҳокамада янги эксперторлар ҳам пайдо бўлиши мумкин;

– *кўптармоқлилик*. Лойиҳани муҳокама қилаётганда, иштирокчиларнинг ҳар бирни бирон бир муҳандисликка тааллуқли бўлмаган билим соҳасида мутахассис сифатида ҳаракат қилиши керак. Улар ҳам ҳудди шундай лойиҳаловчилар бўлиши мумкин, лекин лойиҳа мавзуси уларда бошқача. Бошқа турдаги мутахассисларни жалб қилиш тавсия этилади, шу жумладан, бошқа олий ўқув юртларидан, масалан, экология йўналиши талабалари, геологлар, шифокорлар, психологлар, тарихчилар, хукуқшуносар ва бошқалар;



1-расм. Ўқув-муҳандислик лойиҳалашни ташкил этишнинг инновацион

технологияси алгоритми

- экспертлар гурухини шакллантиришнинг ихтиёрийлиги. Ўқув-муҳандислик лойиҳаси муаллифи талабаларни ўз хошишига кўра ва уларнинг розилиги билан эксперт сифатида таклиф қиласди;
- мунозаранинг муаммолилиги. Модератор экспертларга аниқ саволлар бериб, уларга батафсил жавоб олиши керак. Шунингдек, экспертлар ўзлари янги саволларни беришлари ва модератор томонидан кўтарилимаган муаммоларни кўтаришлари мумкин;
- фикрни билдириш эркинлиги. Энг ақл бовар қилмайдиган версиялар муҳокама учун қабул қилинади, чунки бугун ақл бовар қилмайдиган нарса эртага ҳақиқатга айланиши мумкин;
- илмий асосланганлик ва ишончлилик. Ҳар бир эксперт ақл-идрок ва аниқ далилларга эмас, балки ҳужжатлаштирилган илмий факт ва билимларга асосланган бўлиши керак. У ўз фикрини тасдиқловчи илмий ёки бошқа манбаларни кўрсатган ҳолда хулоса чиқариши шарт. Экспертлар учун бошқа маълумот манбалари сифатида социологик тадқиқот (шу жумладан, шахсий тадқиқотлар) ва сўров материаллари, оммавий ахборот воситаларида, Интернетда нашрлар, бу соҳадаги таниқли мутахассисларнинг фикрлари ва бошқалар бўлиши мумкин;
- консенсусга эришиш зарурати. Муҳокама барча экспертлар ва модератор бир фикрга келгунларича давом этади. Бу ҳолатда фақат иккита фикр бўлиши мумкин. Биринчиси – таклиф қилинаётган муҳандислик-loyiҳалаш ечими замонавий илмий ва ижтимоий-маданий нормаларга асосланган, уни амалга ошириш табиатга (сўзнинг кенг маъносида), жамиятга ва алоҳида инсонга тузатиб бўлмайдиган заарар етказа олмайди. Иккинчиси – таклиф қилинган муҳандислик-loyiҳалаш ечими табиатга, жамиятга ва инсонга тузатиб бўлмайдиган заарар етказади ва яқин ёки узоқ келажакда инсоният учун ҳалокатли оқибатларга олиб келади. Бундай техник ечим замонавий ижтимоий-маданий нормаларга мос деб тан олинмайди ва уни қайта кўриб чиқиши керак;
- баённомаллаштириш – экспертиза ўтказишнинг мажбурий шартидир. Экспертларнинг хуносаларини баённомага тезис шаклида киритилиши ва эксперт хуносаси илова қилиниши керак. Барча фикрларни йиғиб олгач, модератор экспертларнинг хуносаларини таҳлил қиласди, қарор лойиҳасини тузади ва эксперт комиссияси муҳокамасига тақдим этади. Экспертлар кенгашининг якуний қарори баённомада қайд этилади ва лойиҳаловчи бажариши учун мажбурийдир;
- дискретлик, экспертизани вақтини узайтириш. Лойиҳадаги муаммонинг мураккаблигига қараб бир неча босқичда ўтказилиши мумкин ва бир мунча вақтга узилиб қолиши мумкин, бу эса экспертлар учун қўшимча консультациялар ва муаммони чуқурроқ ўрганиш учун зарурдир;
- педагогик қўллаб-куватлаш мажбурийдир. Ўқитувчи нафақат талабалар лойиҳасининг раҳбари вазифасини бажаради, балки талаба-loyiҳаловчига экспертизани ташкил этиш тўғрисида доимо маслаҳат беради, агар керак бўлса, «соф фикрловчи» сифатида мунозарага қўшилади. Унинг вазифаси – талаба-loyiҳаловчи ва экспертларнинг ўзларига ҳам ёрдам бериш, чунки улар ҳам талабалар, касбий фаолиятнинг маъноси

тўғрисида ўзини топишга, техник ечимни танлашда нимани асосий ва нимани қурбон қилиш мумкинлигини ҳал қилишга ёрдам бериш.

Бундай квази-касбий экспертизада қатнашиш лойиҳаловчига ўз лойиҳалаш фаолиятининг маъносини яхшироқ тушунишга, экспертларга – бўлажак касб билан боғлиқ янги билим соҳаларини ўзлаштиришга ва мунозаранинг барча иштирокчиларига антропологияга йўналтирилган муҳандислик-loyiҳalaш фаолияти соҳасида тажриба орттиришга имкон беради. Бундан ташқари, бу жараёнда талабалар ўз фикрларини тўғри шакллантириш ва ифода этишни, аниқ далилларни, исботлаш ва ишонтириш кўнимкамарини ўрганишлари мумкин. Ҳақиқий ижтимоий-гуманитар экспертизани моделлаштириш, талабаларга нотиқлик санъати асосларини, суҳбатдошни тинглаш қобилиятини, бағрикенглик, кичик гуруҳларда ишлаш қобилияти, мустақил фикрлаш ва шу каби бошқа мулоқот кўнимкамарини шакллантиришга ёрдам беради. Фақат бир шарти бор, бундай дарсга ўқитувчи ўзининг натижаларни башорат қилиш қобилиятини ишга солиб, муҳим дастлабки методик тайёргарликни ўтказса [4].

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда курс лойиҳаси ҳам, диплом лойиҳаси ҳам талабаларнинг индивидуал мустақил иши сифатида тайёрланмоқда (албатта, тегишли илмий тавсиялар билан). Лойиҳалашда талаба фақат ўз билимига, эрудициясига, иродада сифатларига ва ўқитувчиси – лойиҳа маслаҳатчисининг малакасига таяниши мумкин. Ҳақиқий лойиҳалаш жараёнига кўп одамлар жалб қилингандиги ва турли учрашувларда, консилиумларда техник ечимларни муҳокама қилиш, бошқа билим соҳа мутахассисларини жалб қилиш имконияти мавжудлиги сабабли, бу ҳолат уни лойиҳаловчи-мутахассисга қараганда ҳиссий жиҳатдан қийинроқ вазиятга солади, талаба эса бундай имкониятдан маҳрум. Ўқув лойиҳасини тайёрлаш учун биз таклиф этаётган технология, унинг янги муҳандислик-loyiҳalaш ечимларини комплекс қўриб чиқиши шаклидаги гуруҳ аудитория иши элементлари билан индивидуал бажарилишига асосланган. Ўқув лойиҳаласи, айниқса, инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда, техник муаммоларни ҳал қилишда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишида ва гуманитар экспертизада улкан педагогик имкониятларга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, йўналтирувчи вазият-топшириқлар, муҳандислик-loyiҳalaш фаолиятининг аксиологик маъноларини, унинг ўзгартирувчи ишлаб чиқариши омили сифатидаги қийматини, инсонни ўраб турган атроф-муҳитни, инсоннинг турмуш тарзини, муҳандислик-loyiҳalaш фаолиятининг алоҳида технологик операцияларини ўзлаштиришни таъминлади. Концептуал вазиятлар эса техник обьектларнинг ҳақиқий квази-касбий лойиҳалашини талаб қиласидиган вазифалар орқали актуаллаштирилади, улардан иш жараённида самарали лойиҳалаш тажрибасида тўпланади, янги техника ва технологияларни лойиҳалашнинг замонавий методлари ўзлаштирилади, мақсадга эришиш кўниммалари ва янги техник ечимларни излашга ижодий ёндашув шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Петрунева, Р.М. Экспертиза инженерно-проектировочных решений как современная учебная технология / Р.М.Петрунева, В.Д.Васильева // Высшее образование в России.-2010.-№8/9.
2. Легасов, В.А. Проблемы безопасного развития техносферы / В.А.Легасов // Коммунист. - 1987. -№ 8.

“O‘ZBEKISTONDA ILM-FANNING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”
xalqaro ilmiy-amaliy anjumani
2022 yil 30 noyabr | scientists.uz

3. Хушнаев О.А. Бўлажак муҳандис ўқитувчиларни ижодий лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш структураси/Замонавий тадқиқотлар, инновациялар, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари мавзусидаги Республика миқиёсидаги илмий-техник анжумани материаллари тўплами//Жиззах ш. 2-қисм 8-9 апрель 2022.

4. Таирова Н.С., Азимов А.Т. Графика фанини ўқитишга инновацион ёндашув/XXVI Инновация-2022 ҳалқаро илмий анжуман// Тошкент ш. 2022.